

САЙЛОВЛАР — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ, ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АЖРАЛМАС БЕЛГИСИ, ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ЭРКИН ИФОДАЛАНИШИ, ФУҚАРОЛАР ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШИНИНГ АСОСИЙ ШАКЛИДИР.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

● 2009-yil ● 24-noyabr ● Seshanba ● 137 (30.097) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Фракция фаолияти



АЙБДОР ПУШАЙМОН БЎЛСА

ва буни амалда исботласа унга нисбатан белгиладиган жазо энгиллаштирилади

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қатор қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқди. Бош прокурор томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси

юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдил Тўхташев сўзга чиқди. Бош прокуратура томонидан энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда жазо тайинлашнинг ҳуқуқий механизмлари ўрганиб чиқилди. Айбни бўйнига олиш тўғри-

сида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш ҳамда етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш каби ҳолатлар айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги фаол ижобий ҳаракатлари ҳисобланади. Қолган ҳолатлар эса жиноят содир этилгунга қадар ёки уни содир этиш пайтида юзага келади ва айбдорнинг кейинги ҳаракатлари га боғлиқ бўлмайди.

Айбдорнинг пушаймонлики фаол ҳаракат орқали намён қилиши ўз қилмишининг гайриқонунийлигини англагани ва жазо олишга тайёр эканидан далolat беради. Бундай пайтда қонунда энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд. Аммо энгилроқ жазо тайинлашининг ҳуқуқий кафолатлари ва жазонинг аниқ чегараси белгиланмаган. Шунинг учун айбдор пушаймонлики фаол ҳаракат орқали намён этишдан ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эмас. Оқибатда бу ҳолат жиноятларнинг тез фош этилиши, бошқа иштирокчиларнинг қидируви ва ушланиши, кенчиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг тезкорлик билан олиб борилишида муайян тўсиқларни юзага келтирмоқда.

Халқаро тажрибани ўрганиш эса қатор хорижий мамлакатларнинг қонунчилигида пушаймонлики фаол ҳаракат орқали намён этган айбдор шахсларга тайинладиган жазонинг юқори чегараси белгилаб қўйилганини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)



Қарор ва ижро СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга этишини таъминлаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилиш, навқирон авлодни ҳар жиҳатдан етув ва баркамол этиб тарбиялаш Президентимиз Ислоҳ Каримов юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Бу борада қабул қилинган давлат дастурида белги-ланган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида кенг қўллади ишлар амалга оширилади.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар бунга мисолдир. Мазкур жамғарма Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг бемор фарзандларини соғломлаштириш тadbirlarini мунтазам ташкил этиб келмоқда. Ана шундай тadbirlar доирасида жорий йилнинг ўтган даврида юрак хасталиги билан касалланган ўн бир нафар бола Жанубий Кореянинг клиникаларида саломатлигини тиклади.

Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора тadbirlar тўғрисидаги қарори бу борадаги ишлар қўлини янада кенгайтиришда муҳим дастуриямал бўлаётди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бу йўналишда оналар ва болалар саломатлигини яхшилашга оид қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, пойтахтимизда ва Тошкент вилоятида истикомат қилувчи кам таъминланган оилалар аъзоларидан бир минг уч

юз нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Аниқланган хасталикларни даволаш мақсадида Сеул миллий университети госпитали ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти билан ҳамкорликда «Соғлом юрак» хайрия тadbiri ташкил этилди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида бошланган мазкур тadbir мобайнида туғма юрак хасталиги билан касалланган саккиз нафар бемор бола замонавий операция усулида соғломлаштирилиши режалаштирилган.

Ўзбекистонда болалар саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашга қаратилган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди Сеул миллий университети профессори, доктор Хан Вунг Ким. — Бу борада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларда иштирок этганимиздан мамнунмиз. Ҳамкорликдаги бундай хайри тadbirlarни мунтазам йўлга қўйиш давлатнинг янги технологияларини кенг оммалаштириши ва тиббиёт соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Ўз мухбиримиз хабар қилади

«ДЭУ ТЕКСТАЙЛ БУХОРО» ИШ БОШЛАДИ

Корхона йилига 19,5 минг тонна пахта-ни қайта ишлаб, ундан 16000 тонна ип-калава тайёрлаш қувватига эга. Энг асосийси, корхона ишга тушгач, минг нафарга яқин ёшлар доимий иш жойига эга бўлди.

Банкротга учраган «Бухоро-төкс» акциядорлик жамияти ўзини ўнглай олмагач, унинг замирида Жанубий Корея — Ўзбекистон «ДЭУ Текстайл Бухоро» масъулияти чекланган жамият — қўшма корхона ташкил этилган. «ДЭУ Интернейшнл» корпорацияси корхонага бир йилда 52,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритди. Шунинг ҳисобига МЧЖга Швейцария, Япония, Италия мамлакатларида ишлаб чиқарилган 32,5 миллион АҚШ доллари қиймати эга бўлган ускуналар сотиб олиниб ўрнатилди.

Даврон БАҲРОНОВ

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» ВА
«ГОЛОС УЗБЕКISTANA»
ГАЗЕТАЛАРИГА
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна —
2010

АЗИЗ ГАЗЕТХОН!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АК барча бўлимида 2010 йил учун газеталаримизга обуна қабул қилинапти. Обунани ўз вақтида расмийлаштирсангиз бўлди, газеталаримиз уйингизга, ишхонангизга ўзи кириб бораверди.



«Ўзбекистон овози» газетасининг обуна индекси — 220.
«Голос Ўзбекистана» газетасининг обуна индекси — 120.

Қарор ва ижро

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН НАМАНГАН

Президентимизнинг «Наманган шаҳри-ни 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тadbirlar дастури тўғрисида»ги қарори ижроси вилоят ҳокимлигининг доимий диққат марказида.



«ФАРҒОНА ХАЛҚА ЙЎЛИ»

Дастур асосида Фарғона халқа йўлидан Наманган аэропорти худудигача бўлган 80 километрга яқин автомобиль йўлини таъмирлаш ишлари қизгин тус олмақда.

«Наманган йўллойиҳа» институти мутахассислари тақдим этган лойиҳага кўра, шу кунгача объектда 2,6 километр масофадаги лоток ва бордюрлар таъмирланди, 2,1 километр масофага янги бордюрлар ўрнатилди, 7,2 минг куб-метр тупроқ ишлари бажарилиб, 6,5 минг тонна асфальт ётқизилди. 75 нафар ишчи 35 та машина

ва механизм билан меҳнат қилаётган объектда бир миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Объектнинг йўл ўтказ-гич қурилишида ишлар икки сменада ташкил этилган. Унда 50 нафар ишчи 27 та машина ва меҳанизмлардан фойдаланмоқда. Йўлнинг муҳандислик тармоқларини кўчириш, ёритиш устун-ларини ўрнатиш ва бу борада хавфсизлик чораларини белгилаш билан боғлиқ ишлар учун 600 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди.

(Давоми 2-бетда)

САЙЛОВ ҲАҚИДА СУҲБАТ

2

КЕЛГУСИ ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ИШГА КИРИШАДИ

3

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар натижасида давлат ҳокимияти вакиллик органларига демократик сайлов ўтказиш бўйича умумэтироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келадиган сайлов қонунчилиги шаклланди.

КУЧЛИ ЖАМИЯТГА ХОС

сайловлар ўтиши учун юртимизда барча имкониятлар етарли

Бугунги кундаги сайлов қонунчилигимиз энг асосий конституциявий принцип бўлган халқ ҳокимияти принципининг амалда таъбиқ этилишини таъминлайди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш, уларнинг эркин амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Сайлов тизими, унинг ҳуқуқий асослари ва амалга ошиш жараёнлари, ошқоралиги, халқчиллик ҳамда фуқароларнинг унга муносабати давлатнинг ижтимоий-сиёсий маъқенини белгилаб беради. Бу борада эса Ўзбекистон ўрнатилган арзигулик таърибига, мавқега эга.

Ҳаёт ривожланиб, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий савияси ортиб бораётган сайин, қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ҳам албатта шунга мос равишда ўзгариб, шаклланиб боради. Мустақилликнинг дастлабки йилларида, очиги, халқимизнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлиги, демократик жамиятга кўникиб кетиш қобилияти ҳали тўла шаклланмаган эди. Бунга эса ўша собиқ тоталитар тизимнинг ёпиқ тизимга асосланиб, инсон эркинлиги ва ҳуқуқдорлиги йўли бермаганлиги сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Шу боисдан Ўзбекистон демократик йўлга ўтар экан, унга босқичма-босқич, халқ савиясини ҳисобга олган ҳолда, секинлик билан эришиш йўлини танлади. Барча соҳаларга оид қонунлар, меъёрий ўзгариш ва қўшимчалар билан тақомиллашиб бормоқда. Давлат ва жамият босқичларида эса сиёсий партияларнинг ўрни ва рол охири, уларга кенг ваколатлар берилмоқда.

Булар ўз навбатида сиёсий қулар зиммасига катта масъулият юклайди. Аввало, сиёсий партиялар илгари сурадиган гоё жамоатчилик диққатини ўзига тортадиган, унинг онги ва тафаккурига кириб борадиган ва уни ўз ортидан эргаштирадиган даражада бўлиши керак. Айни пайтда, фуқаролар адолатли жамият ва эркин яшашнинг моҳия-

ти жамоат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг фаолигида мужассам эканлигини англаб етиши зарур. Фақат шундагина Юртобшамиз таъкидлаганидек, давлат ва ҳокимият устидан жамоатчилик назорати вужудга келади. Бу эса ўз навбатида жамият ҳаётининг янги сифат даражасига кўтарилганидан далолат беради.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун барча партияларга кенг имкониятлар ашигини очиб берди. Жумладан, жойлардаги депутатлик гуруҳларимиз фаолигини янада ошириши ҳамда ваколати доирасида ижро ҳокимияти устидан назорат ўрнатиши мумкин бўлди. Бу эса аҳоли орасида мавжуд бўлган ва ечимни топилаётган муаммоларни бартараф қилишга замин яратди ҳамда депутатнинг ўз сайловчилари олдида обрўсини оширишга олиб келади. Партиялар эса мана шу депутатлари орқали ўз электорати манфаатларини муносиб ҳимоя қила олади. Аммо, ҳамма депутатлар ҳам ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдалана оляптими? Баъзи бир сиёсий партиялар ушбу имкониятлардан фойдаланиб, электорати манфаатларига хизмат қилиш ўрнига, ўзига рақиб деб билган партиялар билан майда-чуйда муаммолар устида баҳслашаётганини оқлаб бўлмайди, албатта. Бу эса уларга бўлган ҳурматнинг ошишига эмас, аксинча обрўсининг тўқилишига сабаб бўлади.

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни нимага қадар иборат бўлиши керак? Аввало, ҳар бир партия ўз электоратининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтириши ва шу орқали уларни эркин жамиятга мослаштириб бориши, унинг манфаатларига хизмат қилиши лозим. Шу билан бир қаторда, замонавий демократияни шакллантиришда дунёнинг ривожланган давлатларидаги сиёсий партиялар фа-

олияти, сайловларда иштирок этиш таърибасини ўрганиши ҳам фойдадан холи бўлмас, албатта. Демократик давлат деганда ҳаммамнинг кўз олдида ривожланган мамлакатлар ва улардаги сайлов жараёнларининг кескинлиги келиши мумкин. Кўпгина давлатларнинг сиёсий институтлари бу борада андозани ўшалардан олишга интилишади. Кейинги пайтда «ғарбона демократия» ва «шарқона демократия» тушунчалари кўп ишлатилмоқда. «Ғарбона демократия» асосчилари давлат бошқарув тизимини ўзлари яратиб, ўзлари асослаб берганликка даъво қилишади. Аммо, менимча, улар фақатгина бошқарув тизимидagi атамаларни яратишдагина асосчи ҳисобланиб, аввало Шарқ мамлакатларининг давлат бошқарув тарихи билан танишиб чиқсалар ёмон бўлмасди. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Амир Темур каби аждодларимиз қарашларини назарда тутмоқдам. Демак, ҳар қандай бошқарув тизимига ўтишдан аввал, ўша халқнинг менталитетини албатта инобатга олиш шарт. Амалга оширилаётган тўб ислохотлар мамлакатимизда дунё ҳамжамиятига тўлақонли интеграциялашуви ва халқаро сиёсатнинг фаол иштирокчисига айланишга кенг имкониятлар яратмоқда. Утган йиллар мобайнида Ўзбекистон халқининг бой тарихи, кўҳна анъаналари, урф-одатлари, ўзига хос менталитети, психологиясининг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашуви асосида ривожланиб борадиган демократик тизимнинг миллий модели шаклланди. Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ҳам шу моделга таянган ҳолда фаолият юритмоқда. Улар ўртасидаги гоёвий кураш, соғлом рақобат жамият тараққиёти ва унинг фаровонлиги учун хизмат қилиши лозим. Бунинг учун мамлакатимизда имконият, сиёсий партияларда эса салоҳият етарли, деб ўйлайман.

Алишер ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридagi
Давлат ва жамият қурилиш
академияси тингловчиси.

Декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтadиган сайлов сиёсий партиялардан катта масъулият талаб этади. Ана шундан келиб чиқиб, ЎзХДП ташкилотлари бу масалага жиддий эътибор қаратмоқда. Партиямиз Учтепа туман кенгаши томонидан ташкил этилган ЎзХДП сафига қабул қилинган янги аъзолар иштирокидаги давра суҳбати ҳам ана шу масалага бағишланди. Унда сайлов тизими, ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари, сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш борасида олиб борилган ишлар ҳақида сўз юритилди.

— Жамиятимизда кечаятган ўзгариш ва янгиликлар, сиёсий соҳадаги ислохотлар натижасида сайлов тизими янада тақомиллашди, — деди туман партия кенгаши раиси Санталат Муҳиддинова. — Булажак сайлов сиёсий партиялар учун ўта муҳим синов ҳисобланади. Бизнинг мамлакат ривожидagi ўрнимиз, давлат бошқарувидаги ролимиз ҳам ана шу сайлов натижаларига бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, сиёсий партиялар депутатликка кўрсатаётган номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлар бўлиши шартлиги қонунда мустаҳкамланган. Аммо, олдинги сайловда вакиллик орган-

— Бугунги суҳбатда ҳаётим ва иш фаолиятим учун зарур бўлган маълумотларга эга бўлдим, — дейди она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси **Сабоҳат РАҲИМОВА**. — Партиянинг аёллар касб маҳоратини, сиёсий фаолигини кучайтириш ма-

Дилдора ЮСУПОВА,
француз тили ўқитувчиси:
— Ўқитувчи бўлганим учун бу касбнинг шарофти, машаққати, масъулиятчилигини ҳар дамда ҳис қиламан. Ўсиб келаётган авлодга таълим бериш, катта ҳаётга тайёрлаш-

ЎЗХДП ҳаёти
қаратилган янги вазифалар белгиланишига аминман. Чунки сиёсий партия электорат учун, унинг манфаати учун фаолият кўрсатади. Мен шу вақтга қадар Ўзбекистон Халқ демократик партиясига хайрихоҳ эдим. Энди эса унинг аъзоси бўлдим.

Саодат НОСИРОВА,
ҳамира:
— Партиянинг аёллар ва ёш болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш, ҳомилдор аёлларга тиб-

САЙЛОВ ҲАҚИДА СУҲБАТ

сафимизга янги қабул қилинган аъзоларда катта таассурот қолдирди



Абдвосит ХАЙДАРОВ олган сурат.

ларига сайланган аёллар сони бу миқдордан кам. Партияимизнинг сайловда иштирок этишдан кўзланган мақсадларидан бири — сиёсий ҳаётда аёллар фаолигини, ташаббускорлигини оширишга эришишдир. Биз партияимиз «Фаол аёллар» қаноти фаолиятини ҳам ана шунга йўналтиришимиз керак. Тадбир давомида партияимиз сафига янги қабул қилинганларга аъзоллик гувоҳномалари топширилди.

салаларини ҳал қилишда хотин-қизлар ташкилотлари обрў-эътиборини ошириш, оилада оналик ва уй бекаси каби муқаддас бурчларни адо этишлари билан бир вақтда ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишларини қўллаб-қувватлаш борасидаги мақсадлари менга маъқул бўлди. ЎзХДП фаолияти билан янада яқинроқ танишиб, иш фаолиятимда унинг гоёларидан фойдаланмоқчиман.

нинг ўзи бўлмайди, албатта. Партия Дастурида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилган. Сиёсий куч сифатида партия бу соҳа ходимларини ўз электорати деб ҳисоблаши ва манфаатимиз учун курашишга тайёр эканини мен мамнуният билан қўллаб-қувватлайман. ЎзХДП сайловда ҳужжатларида таълим тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга

бий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш борасидаги мақсад-қарашлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига ушбу сиёсий кучнинг бефарқ эмаслигини кўрсатади. ЎзХДП Дастурида ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам манфаатларини ҳимоялаш масалалари тўла ўз аксини топган, бу борада партия олдида мақсадли вазифалар қўйилган. Шу сабабдан ҳам мен ЎзХДПни танлайман.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Бу ўзини шу юрт фуқароси деб билган ҳар қандай кишига муайян масъулият юклайди. Ҳар биримиз сайлов қонунчилигини билишимиз, уларга риоя қилишимиз билан бирга, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишимиз лозим. Зеро, бизнинг иштирокимиз ўзимиз, юртимиз эртаси учун муҳимдир.

Дилфўз ЗАЙНИЕВА,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири



Қарор ва ижро

лик сувига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди. Бу ерда мунтазам тоза ичимлик суви бўлишини таъминлаш учун 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Электр таъминотидаги эзгу ишлар

Шаҳарда электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар бажаришмоқда.

110 киловаттли жанубий ҳаво линияси, 60 километр масофадаги 0,4-6-10 киловаттли ҳамда 1,6 километр масофадаги 35-110 кило-

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН НАМАНГАН

Мингчинорда янги газ тармоғи

Зарбдор, Атангангузар, Ёшлик, Олваллизор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида истиқомат қилувчи 1400 нафар аҳоли хонадонига зангори оловга бўлган эҳтиёж қондирилди. Тўқмоқ гузари маҳалласига 600 метрлик газ тармоғи тортилди.

Шу кунларда таъминотчи мутахассислар Мингчинор даҳасида қуриб битказилган 1500 погонметр юқори босимли газ тармо-

ғини ҳаво билан синаш ишларини бажаришмоқда. Наманган — Уйчи юқори босимли газ тармоғини мукамал таъмирлаш ниҳоясига етказилмоқда.

«Исломобод»га тоза ичимлик суви

Шаҳар аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб бериш, айниқса, маҳаллалардаги мавжуд сув қувурларини янгилаш ечим кутаётган масалалардан эди.

Шаҳарнинг шимолий қисмида жойлашган «Исломобод» маҳалласи ҳудудида истиқомат қилувчи уч минг нафар аҳолининг тоза ичим-

ватт қучлишидаги ҳаво электр узатиш тармоқлари тўла таъмирланди. Бобур шох кучаси бўйлаб 3 километр ҳаво тармоғи қурилиб, 68 та таянч ўрнатилди. Меҳнатобод, Ғунча, Марйилон, Яқсада, Фазлий маҳалла ҳудудларидаги зўриқиш билан ишлаётган трансформаторлар юқори қувватли сизга алмаштирилди. Бу масканларни ободлаштириш учун ҳозиргача бир миллирдан сўмга яқин маблағ сарфланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Хотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

Айбдор амалда пушаймон бўлса ва оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса, енгилроқ жазо тайинланишининг ҳуқуқий кафолатларини яратиш мақсадида жиноят қонунчилиги бундай ҳолларда Жиноят кодекси Маҳсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмайдиган муддат ҳамда миқдордаги жазо тайинланишини назарда тутувчи қўшимча киритиш таклиф этилмоқда.

Фракция мажлисида, шунингдек, «Қишлоқ ва сув ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқур-

(Давоми. Боши 1-бетда)

АЙБДОР ПУШАЙМОН БЎЛСА

ва буни амалда исботласа унга нисбатан белгиланадиган жазо енгиллаштирилади.

лаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Ориф Шарипов маъруза қилди.

Қонун лойиҳасида «Фермер ҳўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкати)

тўғрисида», «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегаралари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатлари тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларга ҳамда Ер, Солиқ кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ва «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳаларини ҳам қўриб чиқди.

Мажлисида қурилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Асли КАМОЛ,
Суратлар муаллифи
Абдвосит ХАЙДАРОВ

ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти

Айни дамда сиёсий партияларнинг диққат-эътибори Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтadиган сайловларга қаратилган. Бу сиёсий жараёнда аёлларнинг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади.

қўллаб-қувватлаш борасида ўз фикрларини билдирдилар.

— Биз оила таянчи, фарзандлар тарбиячиси эканимиздан келиб чи-

— Сайлов жараёнлари ҳар биримиздан масъулият, фаолликни талаб этади, — дейди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти масъул ходи-

зиш бўйича муайян таъриба тўпланди. Ана шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бу балги сайловларда аввалги йилларга қараганда кўп-

ИМКОНИЯТДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНАМИЗ

дейишмоқда партиямиз фаоллари бўлган навоийлик хотин-қизлар


фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда қатор корхона ва ташкилотлардаги партияимизнинг фаол аёллари сайлов жараёнларини ташкил этиш, бунда хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш юзасидан фикр алмашдилар. Муқобиллик асосида ўтadиган сайловларда ошқоралиқни таъминлаш, аёл номзодларни тарғибот-ташвиқот қилиш, уларни

қиб, депутатликка номзодимизни қўйишда бироз иккиланамиз, — дейди вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Феруза Қодирова. — Ёхуд имкониятларимизга иккиланмай қараймиз. Худди шу ҳолатларни бартараф этиш, ўзимизга, кучимизга ишонч туйғуларини шакллантириш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

ми Абдулла Рўзиқулов. — Бу йилги сайловлар шуниси билан фарқлиқ, у демократик тамойиллар, таърибада кенг синалган халқаро сайлов андозасига жавоб берадиган тақомиллашган қонунлар асосида ўтмоқда. Қолаверса, 2004 йил сайловларида мамлакатимизда, шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятида Қонунчилик палатасига сайлов ўтка-

роқ хотин-қизлар сайланади, деб ўйлайман. Шунингдек, давра суҳбатиде бошқа фаоллар ҳам бу борадаги фикрларини билдирдилар. Улар асосида ЎзХДПдан кўрсатиладиган аёл номзодларнинг сайловда кампаниясини ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Музаффар ШАРПОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



КЕЛГУСИ ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН

ишга киришади

нинг ташқи ишлар ва сийёсий хавфсизлик масалалари бўйича вакили этиб сайланди.

«Новости» АА маълум қилишича, уларнинг номзодларини асосан Европа Иттифоқининг «огир вазли» аъзолари — Франция ва Германия қўллаб-қувватлади.

Яқинда қабул қилинган ва жорий йилнинг 1 декабидан кучга кирадиган Лиссабон шартномаси талабига кўра, ташкилотнинг янги президенти 2010 йил 1 январдан иш бошлайди.

Брюссел саммитидан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Херман ван Ромпей шуни алоҳида таъкидладики, у ўз фаолияти давомида иқлим ўзгаришлари муаммоси ва ижтимоий тараққиёт масалаларига асосий эътиборни қарата-

ди. Бундан ташқари, ташкилот доирасини янада кенгайтириш масаласи ҳам назардан четда қолмайди.

Шу ўринда Европа Иттифоқи тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Ушбу ташкилот тарихи 1951 йилга бориб тақалади. Ушанда Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Франция ва Германия Федератив Республикаси иштирокида Европанинг кўмир ва пўлат бирлашмаси ташкил тоилган.

1957 йил 25 мартда ушбу бирлашма базасида Европа иқтисодий ҳамжамияти ва Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамиятини тузиш йозовидан Рим шартномаси имзоланган.


1967 йили Европанинг учта ташкилоти — Европанинг

кўмир ва пўлат бирлашмаси, Европа иқтисодий ҳамжамияти ва Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти бириктириб Европа ҳамжамиятини ташкил этди.

1985 йил 14 июнда товар, капитал ва фуқароларнинг ташкилотга аъзо мамлакатлар ичида эркин ҳаракатини ва божхона тўсиқлари бекор қилинишини назарда tutувчи Шенген битими имзоланди. У 1995 йил 26 мартдан кучга кирди.

1992 йил 7 февралда Нидерландиянинг Маастрихт шаҳрида Европа ҳамжамияти ўрнига Европа Иттифоқини ташкил этиш бўйича Маастрихт шартномаси имзоланди. У 1993 йил 1 ноябрдан кучга кирди.

Иқтисодий интеграцияни кучайтириш мақсадида евро пўл



бирлиги жорий этилди ва 1999 йил 1 январдан нақдсиз кўришда амал қила бошлади. 2002 йил 1 январдан эса нақд кўришидаги банкотлар муомалага киритилди. Шундай қилиб у шартли ҳисоб-китоб усулидаги ЭКЮнинг ўрнини босди.

Бугунги кунда Европа Иттифоқи 27 та давлатни ўзида бириктирган. Юқорида санаб ўтилган 6 та давлатдан ташқари унга 1973 йили Буюк Британия, Дания, Ирландия қўшилган. 1981 йили эса Гре-

ция аъзо бўлиб кирди. Испания ва Португалия 1986 йилда, Австрия, Финляндия, Швеция 1995 йилда, Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия, Эстония 2004 йил 1 майда, Болгария билан Руминия эса 2007 йил 1 январда ташкилотга аъзоликка қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ташкилот доирасини янада кенгайтириш масаласи ҳозирча кун тартибига қўйилмапти. Негаки, кейинги пайтлар-

да айрим масалалар юзасидан қарор ёки бирор-бир ҳужжат қабул қилиш бўйича келишув масаласида муаммолар юзага келмоқда. Масалан, Европа Иттифоқи Конституцияси қабул қилинишининг барбод бўлиши ёки унинг ўрнига Лиссабон шартномасининг салкам 5 йил деганда амал-тақал қабул қилиниши бунинг исботидир.

Лекин ташкилот президенти ва ташқи ишлар вазири қизгин баҳс-мунозаралар, тортишувлар асосида сайланиб, энг юқори раҳбарият шакллантирилди. Энди навбат 30 октябрда мандати тугаган Еврокомиссия таркибини шакллантиришга келди. Эски таркиб ҳозирча мандатини бажариб турибди. Яхшики, еврокомиссарлар мандати тугаши билан янги таркибни шакллантириш бўйича қатъий лимит белгиланмаган. Агар қатъий тартиб белгиланганида бор...

Манбалар асосида Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.

ТАФСИЛОТ

Ўтган ҳафтанинг охирида Брюсселда Европа Иттифоқининг фавкулдада саммити бўлиб ўтди. Унда Бельгия бош вазири Херман ван Ромпей Европа Иттифоқининг биринчи президенти, ташкилотнинг савдо масалалари бўйича комиссари Кэтрин Эштон эса биринчи ташқи ишлар вазири, аниқроғи, Европа Иттифоқи-

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Объектлар номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бажариш мuddати
I. Ўрта махсус таълим янги объектлари			
1.	Наманган вилояти, Поп тумани, Найман қишлоғидаги касб-хунар коллежига 50 ўринли ётоқхона қуриш	280 029 823	2010 йил 1 август
2.	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Файрат қишлоғидаги Педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежи учун 100 ўринли ётоқхона қуриш	495 888 976	2010 йил 1 август
3.	Наманган вилояти, Чортоқ тумани марказидаги Педагогика касб-хунар коллежи учун 100 ўринли ётоқхона қурилиши	494 392 948	2010 йил 1 август
4.	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани марказидаги Педагогика касб-хунар коллежи учун 100 ўринли ётоқхона қурилиши	499 625 800	2010 йил 1 август
5.	Наманган вилояти, Наманган тумани марказидаги Педагогика касб-хунар коллежи учун 100 ўринли ётоқхона қурилиши	501 629 131	2010 йил 1 август
II. Ўрта махсус таълим объектларини мукамал таъмирлаш			
Лот-1	Наманган вилояти, Наманган тумани, Шўрқўрғон қишлоғидаги қишлоқ хўжалик йўналишидаги касб-хунар коллежи 200 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	130 340 587	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳридаги иқтисодий-режа йўналишидаги касб-хунар коллежи 200 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	130 193 535	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Бобур шоҳ кўчасидаги Наманган давлат университети қошидаги 400 ўринли академик лицей ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	224 487 787	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Жийдақапа қишлоғидаги касб-хунар коллежи 250 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	162 500 860	2010 йил 1 август
Лот-2	Наманган вилояти, Чуст шаҳридаги Педагогика коллежи 400 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	267 775 120	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Чуст шаҳридаги Қишлоқ хўжалик коллежи 150 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	133 887 560	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Косон ҚФЙ, Олмазор кўчасидаги Педагогика ва хизмат йўналишидаги касб-хунар коллежи 200 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	179 729 723	2010 йил 1 август
Лот-3	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-кичик ноҳия, Дўстлик шоҳ кўчасидаги Саноат коллежи 400 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	262 195 163	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги Саноат касб-хунар коллежи 300 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	194 366 353	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги Маданият касб-хунар коллежи 200 ўринли ётоқхонасини мукамал қурилиши	135 169 044	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги Педагогика касб-хунар коллежи 300 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	195 777 935	2010 йил 1 август
III. Умумтаълим мактаб объектлари қурилиши			
1.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ахсикент массиви, Мингтерак МФЙ даги 540 ўқувчи ўринли мактаб қурилиши	1 512 062 132	2010 йил 1 август
2.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Мустақиллик 5 йиллиги МФЙ даги 540 ўқувчи ўринли мактаб қурилиши	1 566 308 910	2010 йил 1 август
3.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Меҳнатобод МФЙ даги 540 ўқувчи ўринли мактаб қурилиши	1 503 046 275	2010 йил 1 август
4.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Атанган гузар МФЙ даги 630 ўқувчи ўринли мактаб қурилиши	1 764 020 697	2010 йил 1 август
5.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ностегирмон МФЙ даги 540 ўқувчи ўринли мактаб қурилиши	1 517 625 865	2010 йил 1 август
IV. Умумтаълим мактаб объектларини мукамал қайта қуриш			
Лот-4	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 5-сонли мактабни мукамал қайта қуриш	422 730 480	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 34-сонли мактабни мукамал қайта қуриш	488 005 272	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 40-сонли мактабни мукамал қайта қуриш	652 701 520	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 1-сонли мактабни мукамал қайта қуриш	719 800 848	2010 йил 1 август
Лот-5	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 45-сонли мактабни мукамал қайта қуриш	756 488 393	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 29-сонли мактабни мукамал қайта қуриш	200 000 000	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 47-сонли мактабни мукамал қайта қуриш	295 152 000	2010 йил 1 август
Лот-6	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 63-сонли мактабни мукамал қайта қуриш	420 007 766	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 49-сонли мактаб-интернатни мукамал қайта қуриш	165 455 497	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги мактабга 9x18м ўлчамли спорт зал қуриш	151 549 111	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги мактабга 12x24 м ўлчамли спорт зал қуриш	266 664 192	2010 йил 1 август

V. Болалар спортини ривожлантириш объектлари			
1.	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Машад қишлоғидаги 40-сонли мактаб-интернат ҳудудидаги сузиш ҳавзасини мукамал таъмирлаш	602 413 886	2010 йил 1 август
2.	Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Исфакон маҳалласидаги 33-сонли Ёшлик БУСМ сузиш ҳавзасини мукамал қайта қуриш	484 206 068	2010 йил 1 август
3.	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги Велотрек спорт иншоотини қайта қуриш	507 961 946	2010 йил 1 август
4.	Наманган вилояти, Норин туманидаги 6-сонли болалар мусиқа мактабини мукамал қайта қуриш	956 294 344	2010 йил 1 август
5.	Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳрида 150 қатновга мусиқа мактабини қуриш	2 181 787 031	2010 йил 1 август
VI. Соғлиқни сақлаш объектлари			
1.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Тўрақўрғон кўчасидаги кардиология диспансерини 60 ўринли минтақавий кардиожаррохлик марказига қайта қуриш, 2-навбати	4 350 095 008	2010 йил 1 октябрь
Лот-7	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги Қон қуйиш марказини мукамал қайта қуриш (2-навбати)	304 156 800	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Косонсой туманидаги ДСЭН марказини мукамал қайта қуриш	237 979 688	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 1-оилавий поликлиника (3- поликлиника)ни мукамал қайта қуриш	406 717 396	2010 йил 1 август
Лот-8	Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 2-оилавий поликлиникани мукамал қайта қуриш	436 470 135	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 5-кичик ноҳия, Галаба кўчасидаги 5-сонли поликлиникани мукамал қайта қуриш	616 103 354	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Навоий кўчасидаги 3-сонли болалар поликлиникасини мукамал қайта қуриш	451 135 646	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Ахсикент даҳаси, Яқкабоғ кўчасидаги 6-сонли поликлиникани мукамал қайта қуриш	447 536 719	2010 йил 1 август
Лот-9	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Оромгоҳ даҳасидаги 6-сонли оилавий поликлиника филиалини мукамал қайта қуриш	126 687 812	2010 йил 1 август
	Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги Бахт ҚФЙ, Қозоқовул МФЙга 1 та скважина ва 3 километр сув тармоғини тортиш	226 145 970	2010 йил 25 июнь
	Наманган вилояти, Поп туманидаги Учбўлар қишлоғига 3 километр сув тармоғини тортиш	96 901 513	2010 йил 25 июнь
	Наманган вилояти, Наманган туманидаги Хўжақишлоқ қишлоғига 1 та скважина ва 1,5 километр сув тармоғини тортиш	159 059 936	2010 йил 25 июнь
Лот-9	Наманган вилояти, Косонсой тумани марказини ичимлик суви билан таъминлаш (1-навбати)	1 040 790 500	2010 йил 25 июнь
	VIII. Турли объектлар		
	Наманган вилояти, Наманган шаҳар, Дўстлик шоҳ кўчасидаги Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғилиш пунктини модернизация қилиш ва қайта қуриш	1 053 927 537	2010 йил 1 август

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темура кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.
Телефон: (8 3692) 26-22-60, 33-77-06.
Лойиҳани молиялаштириш I, II, VI, VII, VIII Давлат, III, IV мактаб жамғармаси ва V болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдориди айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий ва техникавий малакага ва молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларини) таъминлаш бўйича танлов таклифлари берилганда, хориж товарларни етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган

ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдори берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, тел/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.**

Изоҳ: Мазкур эълон юзасидан айрим ўзгаришлар бўйича хабарнома берилади.

Тиббиёт масканларида



Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самардорлигини оширишга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, малакали мутахассислар билан таъминланган оилавий поликлиникалар бунинг ёрқин мисолидир.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ тарғиботи энг муҳим вазифаларимиздандир

дейди Шайхонтоҳур туманидаги 45-оилавий поликлиника бош шифокори Наргиза Шермухамедова

Кўркам, шинам шифо маскани, замонавий тиббий асбоблар, қулай жиҳозлар, клиник ва биохимик лаборатория беморлар хизматида. Оилавий поликлиниканинг 30 нафар умум-амалиёти, тор мутахассислик шифокорлари, 63 нафар ҳамшира худудда яшовчи 31 минг 700 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

бир хонадонда соғлом турмуш тарзини мустақамлаш, аҳолимизга малакали хизмат кўрсатишдир. Дарҳақиқат, оилавий поликлиниканинг Хамида Қорахонова, Саида Маҳмудова, Шоира Муҳиддинова каби шифокорлари, Арофат Набиқужаева, Хосият Абдуллаева, Муҳаббат Умарова, Тўла Ҳакимжонов сингари ҳамшираларининг малакали тиббий хизматидан аҳоли мамнун бўлаёпти.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: Оилавий поликлиника фаолиятдан лавҳа. Сурат муаллифи Шавкат ҚАҲҲОРОВ.

Мамлакат манзараси

Термиз шаҳрида кенг қўламда қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Жорий йил кўкламида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Термиз шаҳрининг Ҳаким ат-Термизий шох кўчасидаги болалар хиббонини ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳашар бошланди. Бу хайрли ишда ўйлаб-ташқилот ва муассаса вакиллари қатнашди. Саъй-ҳаракатлар туфайли болалар хиббони бир неча ой мобайнида сўлим бир гўшага айлантирилди.

йиллар давомида таъмирталаб бўлиб қолган. Уларнинг деворлари рангларга бўялди, томи черепицалар билан ёпилиб, эски дераза-ромлар «кафа» билан алмаштирилди.

— Корхона ва ташкилотларнинг ҳомилий ёрдами билан шаҳардаги 74 та кўп қаватли уй таъмирланди. Бу савоб ишга оқсоқлар ҳам ҳисса қўшдилар. Божхона постлари ходимлари томонидан чет мамлакатларга ишлаш учун кетаётган ёки ишлаб қайтаётган фуқаролар ўртасида кенг қамровли суриштирув ва тушунтириш шаклида олиб борилаётган амалий ишлар

— Хиббон худудидаги эллика яқин ошхона ва дўконлар тугатилди, қурилиш чиқиндилари ташиб чиқарилди. Майдонлар бетон ва асфальтдан тозаланди, — дейди «Болажон истироҳат боғи» унитар корхонаси бошлиғи Ҳужамурод Разақов. — Урнига тоза тупроқ солиниб, арча ва гул кўчатлари экилди. Биргина парктанган гулининг ўзидан 30 минг туп ўтказилди, 5 та аттракцион ўрнатилди. Спорт майдончаси ва турли хил тадбирлар ўтказишга мўлжалланган томошагоҳ барпо этилди. Ўйлаб-чироклар, замонавий ўтириқлар ўрнатилди. Яқин орада чархпалак ва турли хил аргумчоклар олиб келиш ниятиданимиз. Боғ адоғидан ўтган ариқда махсус чўмилидаган жой ташқил этишни режалаштирганимиз.

Чиндан ҳам боғ қисқа муддат ичида кичкинтойлар яйраб ўйнайдиган, мириқиб хордиқ чиқарадиган масканга айлантирилди. Эндилдиқда бу истироҳат боғига кирган кишининг баҳри дили очилади.

Қўҳна шаҳарнинг янги қиёфаси

Бу шаҳарда бошланган эзгу ишлардан бири. Шунингдек, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича шаҳарнинг барча маҳалла, кўчаларида ҳашар уюштирилди. Бундай тадбирлардан ҳеч ким четда қолгани йўқ. Натихада Алишер Навоий, Ҳаким ат-Термизий, Тараққиёт ва Файзулла Ҳўжаев кўчалари гулзорга айлантирилди. Корхона, ташкилот ва муассасалар худудининг саранжом-сарашта бўлишига ҳам алоҳида эътибор билан қаралаёпти. Шаҳардаги кўп қаватли уйлар

Соатов. Термиз давлат университети янги биносининг кўркам кўриниши ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Салобатли ва кўркам бу иморат шаҳар ҳуснига хусн қўшди. Бундай бунёдкорлик ишлари давом эттириляпти. Яқинда ҳашаматли «Турон» ресторани-тўйхона ишга туширилди. Термиз марказий деҳқон бозори ёнида эса бир йўла иккита супермаркет қад ростляпти. Термиз — қадимий шаҳар. Қўҳна шаҳар янги қиёфа касб эттиб, яшариб бораёпти.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Огоҳ бўлинг!

СИЗ ОДАМСИЗ, ТОВАР ЭМАС

Дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири бу — одам савдосидир. Ушбу трансмиллий жиноят аёллар ва болаларни ҳам ўз домига тортиши билан янада хавфлидир. Таҳлилларга кўра, дунёда ҳар йили 600-800 минг афроғида аёллар ва болалар одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ушбу қабиҳ жиноят туфайли дунё бўйича йилига 7 миллиард АҚШ доллари афроғида пул ноқонуний айланади.

Республикаимизда одам савдосининг олдини олиш юзасидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий асосларга биноан инсон эркига даҳл қилувчи ушбу жиноятга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. 2008 йилда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»-ги, «БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 911-сонли Қарори асосида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилди.

Комиссия таркибига киритилган давлат муассасаларидан бири — Давлат божхона кўмитаси томонидан ҳам одам савдосига қарши курашиш, бу иллатнинг олдини олиш, юрдошларимизнинг фибрибарлик тузоғига илини қўчишларига йўл қўймаслик борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Божхона постлари ходимлари томонидан чет мамлакатларга ишлаш учун кетаётган ёки ишлаб қайтаётган фуқаролар ўртасида кенг қамровли суриштирув ва тушунтириш шаклида олиб борилаётган амалий ишлар

мазкур жиноятнинг олдини олиш ҳамда оқибатларини камайтиришда, унинг ҳар қандай кўринишларидан фуқароларимизни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, божхона масканлари орқали жорий йилнинг дастлабки ярми давомида, айниқса, Хоразм, Самарқанд вилоятларидан фуқароларнинг четга чиқиши кўпроқ кузатилган.

Божхона чегаралари орқали хорижга ёки қўшни давлатларга чиқаётган ҳар бир фуқародан озғак сўровлар пайтида сафар мақсади ва ҳаракатлини йўналиши ҳақида сўралади. Модомики, фуқаро ишга отланаётган бўлса, у ҳолда меҳнат шартномаси, бошқа тегишли ҳужжатлар бор-йўқлиги, қандай ташкилот ёки гуруҳ орқали кетаётганлиги, бораётган давлатидаги меҳнат қончилигиндан хабардорлик даражаси афроғида суриштирилади.

Афсуски, озғак сўровлар жараёнида меҳнат мақсадида четга йўл олган, аммо ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла билимайдиган, ҳаттоки, таваккалчилик билан аниқ бир мақсадсиз йўлга чиққан юрдошларимиз ҳам учраб туради. Натихада, улар хорижий давлатларда уюшган жиноий гуруҳлар қўлига осонликча тушиб қўчишлари ва одам савдосининг қурбонига айланишлари мумкин.

Юрдошларимиз одам савдосига қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш, бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда худудий божхона бошқармалари билан ўзаро маълумотлар алмашишни йўлга қўйиб, улар асосида тезкор тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Яқинда божхоначилар томонидан олинган маълумотлар асосида ДБҚ контрабандага қарши курашиш Бош бошқармаси ҳамда Бухоро вилояти божхона бошқармаси ходимлари ва шунингдек, авиация прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир натижасида Бухоро шаҳрида яшовчи «М» ва «К» исмли аёллар бир қанча қизларнинг ишончига кириб, уларни алдов йўли билан Туркияга жўнатаётганларида Ташкент халқаро аэропортида тўхтаб қолди.


Алоҳида қайд этиш жоизки, аниқ пайтда Давлат божхона кўмитасининг марказий аппарати ҳамда худудий божхона бошқармаларида ишонч телефонлари ташқил этилган бўлиб, фуқароларимиз исталган вақтда бизга мурожаат этишлари мумкин.

Одам савдосига қарши курашишда нафақат мутасадди ташкилотлар, балки кенг жамоатчиликнинг иштироки ҳам ўта муҳимдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, одам савдосига қарши курашишда нафақат мутасадди ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият органлари, балки кенг жамоатчилик, ҳар биримизнинг иштирокимиз жуда муҳимдир. Чунки, бу иллатнинг домига тушиб, азият чекаётганлар сизу бизга бегона эмас, улар яқинларимиз — кимнингдир ота-онаси, кимнингдир опа-синглиси, фарзандидир.

Давлат божхона кўмитаси Матбуот хизмати.

Ганиевлар сулоласи халқ амалий санъатининг фидойилари сифатида машҳур. Ташкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейи, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуи, Хастимомдаги муаззам дарвоза ва эшикларга уларнинг меҳнати сингган. Сулоланинг етакчи вакили Хусан Ганиевнинг улкан меҳнатлари муносиб тақдирланган. Президентимизнинг Фармонида кўра, у «Ўзбекистон халқ устаси» фахрий унвонига сазовор бўлди.



Рустам Шагаев (ЎА) олган суратлар

ҲАКАМЛАР СЕНИ БЕШТАГА ЕТАДИ

Халқаро Футбол уюшмалари кенгаши (IFAB) 2010 йилги Жанубий Африка Республикасида бўладиган мундиал баҳсларида ҳакамлар сонини яна иккитага кўпайтиришни тақлиф қилмоқда. Хабарингиз бор, Жаҳон чемпионатининг Франция ва Ирландия терма жамоалари иштирокидаги саралаш учрашувида рақиб жарима майдончасида тўп қўл билан ўйнаган ҳолда гол киритилди ва Францияликлар финал босқичига чиқди. ФИФА эса Ирландиянинг ўйини қайта ўтказиш борасидаги тақлифини рад этди. — IFABнинг яна икки қанот ҳакамини жорий этиш ва уларни дарвозанинг ортида ҳакамлик қилишни таъминлаш борасидаги тақлифлари яқин орада ФИФА томонидан кўриб чиқилади, — дейилади Халқаро футбол федерациялари уюшмаси вакилининг инглиз матбуотида берган интервьюсида. — Агарда дарвоза ортида қўшимча ҳакам турганида Анрининг қўл билан ўйнаганини кўрган бўларди. Франция жаҳон чемпионатида йўланма олди. Ўйин қайта ўтказилмайди. Эслайтиб ўтаюмиз, дарвозалар ортига қўшимча ҳакамлар қўйиш борасида УЕФА Европа лигаси ўйинларида дастлабки тажрибаларни ўтказди.

Эркин ХОЛБОБО

Утеранный уголовый штамп выданный на ООО «МОСКОККО-ЕЛП» Мирабедского района г.Ташкента считать недействительным.

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига! СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2010 йилда қўйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шартин билан ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 4 columns: Объект номи, Бошланғич нархи 20% ҚҚС билан (минг сўм), Бошланғич нархи 20% ҚҚС сиз (минг сўм), Қурилиш муддати

лағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳолаганда мамлакатимиз пудратчилари учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ

Publication information including BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'afur HOTAMOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI, BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.